

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА ХИЗМАТ САФАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Дастлаб ҳудуддаги Новосибирск шаҳрида бўлган ишчи гуруҳ раҳбари З.Ҳасанов ҳамда гуруҳ аъзолари куни кеча Россия Федерациясининг Красноярск ўлкасидаги агротерминалда бўлишди. Шунингдек, Енисей рынок савдо мажмуасини ҳам кўздан кечиришди. Шундан сўнг делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Россия Федерацияси Красноярск ўлкаси ва Кемерово вилоятлари бўйича ваколатхонаси билан ҳам яқиндан танишишди.